ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДАЛИЕВ НУМАНЖОН

КЕЧИКУВЧИ АРГУМЕНТЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР БИЛАН ТАВСИФЛАНУВЧИ ЗИДДИЯТЛИ ҲОЛАТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

01.01.02 — Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри - 2020 йил

УДК: 517.957

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДАЛИЕВ НУМАНЖОН

КЕЧИКУВЧИ АРГУМЕНТЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР БИЛАН ТАВСИФЛАНУВЧИ ЗИДДИЯТЛИ ҲОЛАТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

01.01.02 — Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри - 2020 йил

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/FM9 рақам билан рўйҳатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳи-фасида (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва "ZIYONET" ахборот таълим тармоғида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Тухтасинов Муминжон**
физика–математика фанлари доктори,профессор

Расмий оппонентлар: **Азамов Абдулла Азамович**
физика–математика фанлари доктори, академик

Ухоботов Виктор Иванович
физика–математика фанлари доктори,профессор
(Челябинск давлат университети, Россия)

Саматов Бахром Таджиахматович
физика–математика фанлари доктори,профессор

Етакчи ташкилот: **РФА Урал бўлими Н.Н.Красовский номидаги Математика ва механика институти.**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг "-----"--------- 2020 йил соат "------" даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174. Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4 - уй. Тел.: (998 71) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№---- рақами билан рўйҳатга олинган). (Манзил: 100174. Тошкент ш., Олмазор тумани,Университет кўчаси, 4 - уй. Тел.: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил “____”___________куни тарқатилди.
(2020 йил “___”_____________даги ----рақамли реестр баённомаси).

А.С.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д.,академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д.(PhD)

Ш.А.Алимов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўп сонли илмий-амалий тадқиқотлар натижасида юзага келадиган кўплаб амалий ва назарий муаммоларни ҳал қилиш аксарият ҳолларда (асосан) кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи зиддиятли бошқариладиган жараёнларни ўрганиш масалаларига келади. Мазкур назарияда олинган натижалар иссиқлик алмашинувини бошқариш масаласи, механик кучланишлар, иншоотларни сейсмик мустаҳкамлиги, математик биология, юқумли касалликлар иммунилогияси ва иқтисодиётда узоқ муддатли олдиндан айтиб бериш ва бошқа муаммоларни тадқиқ қилишга асос сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи зиддиятли ҳолатларнинг бошқарув пареметрларига геометрик, интеграл ва турли чегаралар қўйилган ҳолларда тадқиқ қилиш, кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариант бўлишлигини кўрсатиш, математик физиканинг барча типдаги тенгламалари учун зиддиятли ҳолатларни ҳал этиш масалаларини ечиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда кечикувчи аргументли дифференциал тенгламалар билан тавсифланувчи зиддиятли зиддиятли ҳолатларни ҳал этиш масалаларини ечиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи зиддиятли зиддиятли ҳолатларни ҳал этиш усулларини бошқа соҳаларнинг турли масалаларига тадбиқ қилиш, шу жумладан, иқтисодиётда узоқ муддатли олдиндан айтиб бериш, математик ва популяцион биология, юқумли касалликлар динамикаси каби масалаларни ечишда мазкур усуллардан фойдаланиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий тадбиқига эга бўлган долзарб илмий йўналишларга эътибор кучайтирилди. Жумладан, кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи дифференциал ўйинлар назариясига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишни ривожланиши натижасида математик физика, механика, математик биология ва иқтисодиёт масалаларидан келиб чиқувчи, кечикишли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи зиддиятли ҳолатларни ҳал этиш масалаларини ечиш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. “Функционал анализ, дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик тизмлар назарияси, амалий математика ва математик моделлаштириш”[1] фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Қарор ижросини таъминлашда кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи зиддиятли ҳолатларни ҳал этиш масалалари устида олиб борилган тадқиқотлар муҳим

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 292-сонли қарори.

аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентиниг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сонли Қарори, 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3682-сонли Қарори, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Қарорлари ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқоднинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. "Математика, механика ва информатика" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.[2]

Кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи зиддиятли ҳолатларни ҳал этиш назариясининг умумий ечиш усулларини топиш ва уларни ривожлантириш бўйича йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Mathematical center after named Stefan Banah, International institute for applied systems analysis(IIASA), Universite de Paris-Dauphine, RAND Corporation, University of Toronto, University of Princeton, University of Central Florida, University of Illinois, University of Cambridge, University Putra Malaysia, Москва давлат университети, Россия Фанлар академиясиниг Математика институти, Урал бўлими Математика ва механика институти, Урал федерал университети, Санкт-Петербург давлат университети, Россиянинг халқлар дўстлиги университети, Челябинск давлат университети, Украина фанлар Миллий академиясининг Кибернетика илмий-тадқиқот институтларида олиб борилмоқда.

Жаҳон миқёсида дифференциал ўйинлар назарияси ва унинг тадбиқлари

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.math.prinston.edu, www.umb.edu, www.bw.edu, www.nsu.ru, www.mi.ras.ru, http://mi.mathnet.ru/rus/msb/v136/i4/p567, Isaacs R. (197l): Differential Games. New York. John Wiley; Petrosyan L.A. (l993):Differential games of pursuit. London.World Scientific PuЫ.Co Pte.Ltd.;Williams J.D, (2007):The Compleat Strategyst: Being a Primer on the Theory of Games of Strategy, New York.RAND Corporation, USA.;Yeung D., Petrosyan L.A. (2006): Cooperative Stochastic Differential Games. New York. Springer; Haurie A., Krawczyk J., Zaccour G. (2012): Games and Dynamic Games. London,World Scientific Publ. Co.Pte.Ltd.; Yong J. (2015) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

бўйича қуйидаги устувор йўналишларда қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: ўйинчиларнинг бошқарувларига турли чегаралар қўйилган кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи зиддиятли ҳолатларнинг қувиш-қочиш масалалари, амалиётда кўп учрайдиган, зиддиятли шароитлардан келиб чиқувчи, физик жараёнларни адекват акс эттирувчи, бошқарув параметрларига турли чегаралар қўйилган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларга қувиш масаласининг ечиш усулларини тадбиқ этиш; кечикишли дифференциал ўйинда гуруҳли қувиш–қочиш масалаларини ечиш; кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи дифференциал ўйин масалаларини сонли ечиш усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зиддиятли бошқарилувчи жараёнлар назарияси замонавий математиканинг жадал ривожланаётган бўлимларидан ҳисобланади. Мазкур назарияда зиддиятли шароитларда динамик жараёнларни бошқариш масалалари тадқиқ этилади. Хусусан, Р. Айзекснинг RAND коорпорациясининг ёпиқ илмий лойиҳаси бўйича 20-асрнинг иккинчи ярмида бажарилган тадқиқотлари кўп сонли амалий масалаларни ўз ичига олган бўлиб, унда муаммонинг асосий принципиал қийинчиликлари етарлича чуқур тахлил қилинган.

Дифференциал ўйинлар назариясининг мунтазам ривожланиши XX асрнинг 50-йиллар охири ва 60-йилларнинг бошларига тўғри келади. Дифференциал ўйинлар назариясининг ривожи энг аввало Л.С.Понтрягин, Н.Н. Красовский, Р.Айзекс номлари билан боғлиқ. Дифференциал ўйинлар назариясининг ривожига Е.Ф.Мищенко, Ю.С.Осипов, Р.В.Гамкрелидзе, А.И.Субботин, А.Б.Куржанский, А.В.Кряжимский,Ф.Л.Черноусько, В.Н.Ушаков, А.Г. Ченцов, Н.Ю.Лукоянов, Б.Н. Пшеничний, Н.Ю.Сатимов, А.А.Азамов, Н.Н. Субботина, В.Е.Третьяков, А.А.Чикрий, Л.А.Петросянлар катта ҳисса қўшган. А.Я.Азимов, Н.Л. Григоренко, П.Б.Гусятников, Г.И.Ибрагимов, А.Ш. Кучкаров, В.И.Максимов, М.Ш.Маматов, А.А.Меликян, М.С.Никольский, Н.Ник.Петров, Е.С.Половинкин, В.И. Ухоботов, М.Тўхтасинов, А.З.Фозилов, Л.П. Югай ва уларнинг ўқувчилари томонидан қизиқарли натижаларга эришилган.

Дифференциал ўйинлар назариясига Л.С.Понтрягин ва Н.Н.Красовскийларнинг илмий мактаблари катта ҳисса қўшган. Н.Н.Красовский ва унинг илмий мактаби вакиллари томонидан дифференциал ўйинга позицияли ёндашув таклиф қилинган ва ривожлантирилган. Тескари алоқали бошқарувнинг конструктив қонунларига асосланган мазкур ёндашув позицияли дифференциал ўйинлар назариясининг марказий натижаси - альтернатива ҳақидаги теоремани ифодалаб исботлашга имкон берди.

Н.Н.Красовский, Ю.С.Осипов, А.Б.Куржанский, А.В.Кряжимский, В.И. Максимов, М.С.Никольского, Е.С. Половинкина, А.А.Чикрия, Г.Ц.Чикрия, А.П.Коновалов, Л.В. Барановскаяларнинг тадқиқотлари дифференциал-айирмали тенгламалар билан тавсифланувчи дифференциал ўйинларни ўрганишга бағишланган. Бу тадқиқотларда дифференциал-айирмали ўйинни тугаллаш учун етарли шартлар келтирилган, яқинлашишнинг экстремал стратегиясининг тузилиши тушунтирилган, альтернатива ҳақидаги теоремалар исбот қилинган.

Ю.С.Осиповнинг ишларида дифференциал-айирмали ўйинни яқинлашишини тугаллаш учун етарли шартлар олинган бўлиб, ундаги ғоя ва мулоҳазалар “минимакс дастурий сингдириш” тушунчасига асосланган.

А.А.Чикрий, Г.Ц.Чикрийлар иши кечикишли дифференциал ўйинда гуруҳли қувиш масаласига бағишланган. А.А.Чикрий, Г.Ц.Чикрий, В.В.Остапенко, А.П.Яковлева, А.В.Кряжимский, А.П.Коноваловларнинг тадқиқотларида ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик чегаралар қўйилган ҳолларда дифференциал-айирмали ўйинда қочиш масалалари ёритилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг Ф - 4 - 02 "Дифференциал операторлар назарияси асосида математик физика ва оптимал бошқарув масалаларини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш" (2012-2016 йиллар) ва ОТ-Ф-4-(36+32) “Математик физика ва оптимал бошқарув масалаларини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш. Тоқ тартибли ҳусусий ҳосилали тенгламалар учун ноклассик бошланғич ва спектрал масалалар ва уларнинг тадбиқлари” (2017-2020 йиллар) ҳамда ОТ-Ф4-33 “Дифференциал тенгламалар билан тавсифланувчи зиддиятли ҳолатларни бошқаришнинг янги усулларини яратиш ва уларни сонли амалга ошириш” (2017-2020 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мазкур диссертация ишининг асосий мақсади ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик, интеграл ва турли чегаралар қўйилган ҳолларда кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи зиддиятли ҳолатларга нисбатан дифференциал ўйинлар назариясининг қувиш масалаларини янги синфини ечишдан(ҳал этишдан), ўйинчиларнинг бошқарувларига турли чегаралар қўйилган ҳолларда тақсимланган параметрли бошқарилувчи системалар синфида қувиш ва учрашишдан четлашишнинг ўйин масалаларини ечишдан ҳамда тақсимланган параметрли бошқарилувчи системага нисбатан бошқарувга геометрик ва интеграл чегаралар қўйилган ҳолларда берилган ўзгармас кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариант бўлишлигини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик чегара қўйилган кечикишли чизиқли дифференциал ўйинда қувишни тугаллаш учун янги етарли шартларни топиш. Қувиш масаласининг биринчи ва учинчи усулларини модификациясини ишлаб чиқиб, ўйинни тугаллаш мумкин бўлишлиги учун янги етарли шартларни топиш учун турли янги ёндашувларни ўрнатиш;

кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланган чизиқли масалани ҳал этиш учун Л.С.Понтрягин, М.С.Никольский ва Н.Ю. Сатимов кўринишидаги етарли шартларни топиш; ўйинчиларнинг бошқарувларига турли чегаралар қўйилган ҳолда ўйинни тугалланиши мумкин бўлишлиги учун янги ёндашувларни ишлаб чиқиш;

ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик, интеграл ва турли чегаралар қўйилган кечикишли чизиқли дифференциал ўйинда траекториялар дастасини бошқаришнинг ўйин масаласини ечиш. Қувиш масаласининг биринчи, иккинчи ва учинчи усулларини модификациясини ишлаб чиқиб, траекториялар дастасини бошланғич тўпламдан терминал тўпламга олиб келиш мумкин бўлишлиги учун янги етарли шартларни топиш;

ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик чегара қўйилган кечикишли квазичизиқли дифференциал ўйинда қувиш масаласининг биринчи, иккинчи ва учинчи усулларини аналогини ишлаб чиқиш ва уни траекториялар дастасини бошқаришнинг ўйин масаласини ечишга тадбиқ этиш;

ўйинчиларнинг бошқарувларига турли чегаралар қўйилган тақсимланган параметрли бошқарилувчи системаларда қувиш ва учрашишдан четлашишнинг ўйин масалалари учун янги етарли шартларни олиш;

тақсимланган параметрли системага нисбатан кечикишли иссиқлик тарқалишнинг учинчи чегаравий масаласи учун берилган кўп қийматли акслантиришни кучли ва кучсиз инвариант бўлишлигини кўрсатиш. Бошқарувга геометрик ва интеграл чегаралар қўйилган ҳолларда берилган кўп қийматли акслантиришни тақсимланган параметрли бошқарилувчи системаларга нисбатан кучли ва кучсиз инвариант бўлишлиги учун янги зарурий ва етарли шартларни олиш.

Тадқиқотнинг объекти - ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик, интеграл ва турли чегаралар қўйилган ҳолларда кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи системага нисбатан дифференциал ўйинлар назариясининг қувиш масалалари, ўйинчиларнинг бошқарувларига турли чегаралар қўйилган ҳолларда тақсимланган параметрли бошқарилувчи системалар синфида қувиш ва учрашишдан четлашишнинг ўйин масалалари, тақсимланган параметрли бошқарилувчи системага нисбатан бошқарувга геометрик, интеграл чегаралар қўйилган ҳолларда берилган ўзгармас кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариантлигини тадқиқ қилиш тадқиқотнинг объектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети - ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик, интеграл ва турли чегаралар қўйилган ҳолларда кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи ҳамда ўйинчиларнинг бошқарувларига турли чегаралар қўйилган тақсимланган параметрли бошқарилувчи системалар синфида қувиш ва учрашишдан четлашишнинг ўйин масалаларида зиддиятли ҳолатларни ҳал этиш, берилган ўзгармас кўп қийматли акслантиришни кучли ва кучсиз инвариант бўлишлигини кўрсатиш тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кечикишли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи системага нисбатан зиддиятли ҳолат масалаларини ҳал этиш учун йўналиш бўйича қувиш усули, дифференциал ва дифференциал-айирмали тенгламалар аппарати, оптимал жараёнлар математик назариясининг усуллари, математик физика усуллари, дифференциал ўйин қувиш назариясининг усуллари, кўп қийматли акслантиришлар назарияси-нинг элементлари ва қабариқ тахлил воситаларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик чегара қўйилган кечикишли дифференциал ўйиннинг қувиш масаласини ечиш учун янги етарли шартлар олинган. Қувишнинг биринчи ва учунчи усуллари модификация қилиниб, ўйинни тугаллаш мумкин бўлишида янги етарли шартларни олиш учун турли янги ёндашувлар таклиф қилинган;

ўйинчиларнинг бошқарувларига интеграл ва турли чегаралар қўйилган ҳолда қувиш масаласининг биринчи ва учунчи усуллари модификация қилинган. Чизиқли ўйин масаласини ечиш учун осон текширилувчи Л.С. Понтрягин, М.С. Никольский ва Н.Ю.Сатимов шартлари кўринишидаги етар-ли шартлар олинган. Кечикишли чизиқли дифференциал ўйин масаласида қувишни тугаллаш мумкин бўлиши учун янги етарли шартлар олинган;

ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик чегара қўйилган кечикишли чизиқли дифференциал ўйинда траекториялар дастасини бошқаришнинг ўйин масаласи ечилган. Қувишнинг биринчи, иккинчи ва учунчи усуллари модификация қилинган ва улар ёрдамида траекториялар дастасини бошқа-ришнинг ўйин масаласи ечилган. $W_i(t),\ i=1,2,$ ва $W_j(t),\ j=3,4,$ тўпламлар орасидаги муносабатлар тадқиқ қилинган;

ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик чегара қўйилган квазичизиқ-ли дифференциал ўйинда қувиш назариясининг биринчи, иккинчи ва учинчи усулларининг аналоги ишлаб чиқилган ва у ёрдамида траекториялар дастаси-ни бошқаришнинг ўйин масаласи ечилган. Ўйинчиларнинг бошқарувларига интеграл чегара қўйилган кечикишли чизиқли дифференциал ўйинда ўйинни тугаллаш мумкин бўлиши учун янги етарли шартлар олинган;

ўйинчиларнинг бошқарувларига турли чегаралар қўйилган тақсимланган бошқарилувчи системаларда қувиш ва учрашишдан четлашиш масаласи ечилган. Қувиш масаласи ҳамда учрашишдан четлашиш мумкин бўлиши учун янги етарли шартлар олинган, қувловчининг ҳамда қочувчининг аниқ кўринишдаги бошқарувлари қурилган;

кечикишли иссиқликни тарқалиш масаласи учун берилган ўзгармас кўп қийматли акслантиришни кучли ва кучсиз инвариант бўлиш масаласи ечилган. Бошқарувга геометрик чегара қўйилган ҳолда берилган тўпламнинг инвариант бўлиши учун зарурий ва етарли шартлар олинган, бошқарувга интеграл чегара қўйилган ҳолда эса янги етарли шартлар олинган. Берилган кўп қийматли акслантириш инвариант бўлишлигини осон текширувчи шарт-лар келтирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси кечикувчи аргументли дифференциал тенгламалар билан тавсифланувчи бошқарилувчи системаларга нисбатан дифференциал ўйинлар назариясини ривожлантириш асосида зиддиятли шароитларда юзага келувчи тиббиётнинг турли масалаларини, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги узоқ муддатли олдиндан айтиб бериш муаммоларини, қатор биофизик муаммоларни, стержнда иссиқликни тарқалиши масалаларини, техник масалаларда физик жараёнлар ва бошқа масалаларни ечиш имконини беришдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда олинган тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги унда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги, дифференциал тенгламалар назарияси, оптимал бошқарув назарияси, математик физика, функционал анализ, кечикишли дифференциал тенгламалар назарияси ва дифференциал ўйинлар назариясининг усулларидан фойдаланилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, кечикувчи аргументли тенглама билан тавсифланувчи бошқарилувчи системага нисбатан қувиш-қочиш назариясининг кейинги ривожида қўлланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, диссертацияда олинган илмий натижаларнинг зиддиятли ҳолатларда юзага келувчи бошқарилувчи жараёнлар математик назариясининг амалий масалаларига, физика, биология, техника, автоматик бошқарув ва иқтисодиёт масалаларига тадбиқ этишга ҳизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик, интеграл ва турли чегаралар қўйилган ҳолда йўналиш бўйича қувиш ва паралел қувиш усуллари 01-01-16-1840FR фундаментал илмий лойиҳасида бошқарувлари интеграл ва турли чегарали бўлган кечикишли дифференциал ўйиннинг қувиш масаласини ечишда қўлланилган. Бундан ташқари Усман Вазирийнинг “Differential games described by infinite system of differential equations in Hilbert space” PhD (2017) мавзусидаги диссертациясида, Путери Аиззат Камал Мустафанинг “Pursuit differential game described by first order infinite 2 - systems of differential equations” мавзусидаги магистрлик диссертациясида (2017) ва Карапананнинг “Pursuit and evasion differential games of two pursuers and one evader with coordinate-wise integral constraints” мавзусидаги илмий ишларида фойдаланилган. (Малайзиянинг Путра университетининг 2017 йил 13 июлдаги маълумотномаси). Илмий натажаларнинг қўлланиши кечикувчи аргументли дифференциал тенглама билан тавсифланувчи зиддиятли ҳолатларда ўйинчиларнинг бошқарувларига интеграл ва турли чегаралар қўйилган ҳолларда масалаларни ечиш имконини берган;

қувувчи ва қочувчининг бошқарувларига ҳам геометрик, ҳам интеграл ҳамда турли чегараланишлар қўйилган ҳолдаги зиддиятли ҳолат масаласини ечиш бўйича олинган натижалар Россия фундаментлар тадқиқотлар фондининг ҳамда Россия илмий фондининг илмий грантларида чизиқли масалаларни динамик оптимизациялашда ўйинчиларнинг бошқарувларига интеграл ва турли чегаралар қўйилган ҳолларни тадқиқ қилишда фойдаланилган. (Россия Фанлар академияси Урал бўлимининг Математика ва механика институтининг 2017 йил 24 ноябрь № 16343/10-207 – сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши функционал-дифференциал системаларда динамик оптимизациянинг сонли алгоритмларини тест ва таҳлил қилиш имконини берган;

тақсимланган параметрли системаларда қувувчи ва қочувчининг бошқарувларига бир вақтнинг ўзида ҳам геометрик, ҳам интеграл чегаралар қўйилган ҳолдаги зиддиятли ҳолат масаласини ечиш бўйича олинган натижалар Россия фан ва таълим вазирлигининг ҳамда Россия фундаментлар тадқиқотлар фондининг (РФТФ) илмий грантларида тақсимланган параметрли системаларда ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик, интеграл ва турли чегаралар қўйилган ҳолларни тадқиқ қилишда фойдаланилган. (Россия фан ва таълим вазирлиги акад. С.П.Королев номидаги “Самара Миллий тадқиқод университети” нинг 2017 йил 27 ноябрь № 104-6503 - сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши кечикувчи аргументли дифференциал тенгламалар билан тавсифланувчи дельта-манбали иссиқлик тарқалиши ҳамда алмашинув жараёнларининг масалаларини ечимини топиш имконини берган.

ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик, интеграл ҳамда турли чегараланишлар қўйилган ҳолларда кечикувчи аргументли дифференциал тенгламалар билан тавсифланувчи зиддиятли ҳолат масаласини ечиш бўйича олинган натижалар Қозоқстон Республикаси таълим ва фан вазирлигининг (ҚРТФ) илмий грантларида фойдаланилган. (Қозоқстон Республикаси таълим ва фан вазирлиги, Ҳ.А.Яссавий номидаги қозоқ-турк халқаро университетининг 2018 йил 25 апрель № 300 – сонли маълумотномаси). Диссертацияда ишлаб чиқилган кечикишли зиддиятли динамик системаларни бошқариш масалаларини ечиш усулларини қўлланиши Институтда ишлаб чиқилган, коэффициентларни осцилляцияловчи ва кечикувчи аргументли функционал-дифференциал ва сингуляр бузилган, интеро-дифференциал системаларда динамик оптимизациянинг асимптотик ва сонли алгоритмларини тест ва таҳлил қилиш имконини берган;

ўйинчиларнинг бошқарувларига геометрик, интеграл ва турли хил чегаралар қўйилган ҳолда кечикувчи аргументли дифференциал тенгламалар билан тавсифланувчи зиддиятли ҳолатларни ҳал қилиш бўйича олинган натижалар № 01 13TJ00320 рақамли “Қайта тикланадиган энергия манбаларига асосланган электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун гибрид инновацион тизмлар ва қурилмаларни яратиш” ва № 0117TJ0084 рақамли “Инновацион ва илмий-техник фаолиятга оид русча-тожикча изоҳли луғат” хорижий лойиҳаларда фойдаланилган. (Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг Фан ва янги технологияларни инновацион ривожланиш марказининг 2019 йил 21 ноябрь № 1001/1-94 - сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Марказда ишлаб чиқарилаётган фотоэлектрик қурилмалар ва тизимларнинг математик моделларини синаб кўриш ва таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқод натижалари 34 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 19 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларда мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 10 таси хорижий ва 11 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйҳатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **Кечикишли дифференциал ўйинда қувиш** деб номланувчи биринчи боби тўрт параграфдан иборат бўлиб, у йўналиш бўйича қувиш усулига бағишланган. Қувишнинг назариясининг биринчи ва учинчи усуллари ўйинчиларнинг бошқарув параметрларига геометрик, интеграл ва турли чегаралар қўйилган ҳолларда модификация қилиниб, қувиш масаласига тадбиқ қилинган. Чизиқли қувиш масаласини ечиш учун янги етарли шартлар олиш учун турли ёндашувлар таклиф қилинган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида кечикувчи аргументли тенгламалар системаси билан тавсифланувчи чизиқли дифференциал ўйин қаралади

$$\dot{z}(t) = Az(t) + Bz(t-h) - Cu(t) + Dv(t), \tag{1}$$

бу ерда $z(t) \in \mathbb{R}^n$, $n \geq 1$, $u(t) \in \mathbb{R}^p, v(t) \in \mathbb{R}^q$, $t \geq 0$; $h > 0$ – фиксирланган ҳақиқий сон; $A, B,$ - $(n \times n), (n \times n)$, C, D -$(n \times p), (n \times q)$, тартибли ўзгармас матрицалар. $u(t), v(t),$- функциялар мос равишда қувловчи ва қочувчиларнинг бошқарувлари дейилади. Улар $[0, \infty)$ оралиқда аниқланган

$$u(t) \in P,\ v(t) \in Q,\ 0 \leq t < +\infty, \tag{2}$$

геометрик чегараланишни қаноатлантирувчи ўлчовли вектор-функциялар синфидан танланади, бунда P ва Q – мос равишда $\mathbb{R}^p$, $\mathbb{R}^q$ фазоларнинг бўш бўлмаган компакт қисм тўплам остилари.

$\tau > 0$ – иҳтиёрий фиксирланган сон бўлсин, $t \in [0, \tau]$. Келгусида доимо фараз қилинади: (2) шартни қаноатлантирувчи $u = u(t),\ \ v = v(t),\ \ 0 \le t < \infty$, ўлчовли функцияларни мос равишда қувловчи ва қочувчи ўйинчиларнинг *жоиз бошқарувлари* деб атаймиз; M терминал тўплам $M = M_0 + M_1$, кўринишга эга, бунда $M_0 -$ R^n фазосининг чизиқли қисм фазоси, $M_1 - L$ қисм фазонинг қабариқ компакт қисм тўплами, $L -$ M_0 чизиқли қисм фазонинг R^n фазодаги ортогонал тўлдирувчиси (яъни $M_0 \oplus L = \mathrm{R}^n$); $\pi -$ R^n фазодан L қисм фазога ортогонал проекция матрицасини белгилаймиз, яъни $L:\ \pi : \mathrm{R}^n \to L$; $\underline{*}$ амални геометрик айирма деб тушинилади; (1) системанинг бошланғич ҳолати $[-h, 0]$ кесмада аниқланган n ўлчамли абсолют узлуксиз $z_0(t) \in X$, функция бўлади,

$$X = \{z_0(t) : z(t) = z_0(t),\ t \in [-h, 0],\ z_0(0) \in R^n \setminus M\}. \tag{3}$$

$K(t), -\infty < t \le \tau, -$ орқали қуйидаги ҳоссаларга эга бўлган матрицали функцияни белгилаймиз: а) $K(t) = \tilde{0},\ \ t < 0,\ \ \tilde{0} - n \times n -$ тартибли нол матрица; б) $K(0) = E$, $E - n \times n -$ тартибли бирлик матрица; в) $K(t),\ 0 \le t \le \tau$, матрицанинг элементлари $C^1[0, \tau]$ синфга тегишли; г) $K(t)$ функция қуйидаги

$$\dot{K}(t) = AK(t) + BK(t-h),\ t > 0, \tag{4}$$

матрицали дифференциал тенгламани қаноатлантиради.

а) – б) шартларни қаноатлантирувчи $K(t), -\infty < t \le \tau, -$ матрицали функцияни мавжуд ва ягоналигини (4) тенгламани кема-кет интеграллаш усули орқали исботлаш мумкин.

Қувиш $z_0(\cdot) \in X$ бошланғич ҳолатидан бошланиб, t^* моментда тугади деб ҳисобланади, қачонки, биринчи марта $z(t^*) \in M$ тегишлилик ўринли бўлса. Қочувчининг мақсади ўйинни тугаш вақтини мумкин қадар чўзишдан иборат.

1-таъриф. *Айтамизки, (1), (2) ўйинда* $z_0(\cdot) \in X$ *бошланғич ҳолатдан* $T = T(z_0(\cdot)),\ \ 0 \le T < +\infty$, *вақтда қувишни туғаллаш мумкин дейилади, агарда* P, *тўпламдан қийматларини қабул қилувчи шундай* $u = u(t, v),\ 0 \le t \le T(z_0(\cdot)),\ \ v \in Q$, *функция мавжуд бўлсаки, ихтиёрий* $v = v(t),\ 0 \le t \le T(z_0(\cdot)),\ v(t) \in Q$, *функция учун* $u(t, v(t)),\ 0 \le t \le T(z_0(\cdot))$, *функция ўлчовли бўлса ва (1) системанинг (3) боланғич шарт остидаги* $z(t)$ *мос ечими қандайдир* $t = t^* \in [0, T]$ *вақтда* M *терминал тўпламга келиб тушса, яъни* $z(t^*) \in M$ *тегишлилик ўринли бўлса. Бунда қувишни амалга ошириш учун қувловчи объект тўғрисидаги маълумотни билиши зарур. Қувловчи: ҳар бир* $t \ge 0$ *вақт моментида* $z(s)$ *ечимни* $t - h \le s \le t$, *кесмада ва ҳар бир* $t \ge 0$ *да* $v(t)$ *бошқарувни билади деб фараз қилинади.* Число $T(z_0(\cdot))$ сони $z_0(\cdot) \in X$ бошланғич ҳолатдан қувлаш вақти, $u = u(t, v)$ функция қувлаш функцияси дейилади.

Айтайлик $F(t) : L \to L$, $t \in [0, \tau] -$ ν ўлчамли t га боғлиқ юқоридан ярим узлуксиз квадрат матрица бўлсин, $\nu = \dim L$, $M_2(\tau)$, L қисм фазонинг қуйидаги кўринишда аниқланган қавариқ компакт қисм тўплами бўлсин

$$M_2(\tau) = M_1 \underline{*} \int_0^{\tau} [E - F(\tau - t)] \pi K(\tau - t) DQ\, dt,$$

бунда $E -\ \nu \times \nu$ ўлчамли бирлик матрица. $M(t),\quad 0 \le t \le \tau, -$ қуйидаги шартни

$$\int_0^{\tau} M(t)dt \subset M_2(\tau), \tag{5}$$

қаноатлантирувчи ўлчовли ёпиққийматли кўпқийматли акслантириш бўлсин. Қуйидаги

$$\hat{w}(M(t), t) = [M(\tau - t) + \pi K(\tau - t) CP] \underline{*} F(\tau - t) \pi K(\tau - t) DQ,\ \ 0 \le t \le \tau,$$

тўпламни киритамиз.

1-фараз. $F(t),\ t \in [0, \tau],$ *матрица ва (5) шартни қаноатлантирувчи кўп қийматли акслантириш* $M(t) \subset L,\ \ 0 \le t \le \tau,$ *мавжудки барча* $t \in [0, \tau]$ *лар учун* $M_2(\tau),\ \ \hat{w}(M(t), t)$ *тўпламлар бўш эмас.*

Қандайдир $z_0(\cdot) \in X$ бошланғич ҳолатни фиксирлаймиз.

$$\xi[\tau, z_0(\cdot)] = \pi K(\tau) z_0(0) + \int_{-h}^{0} \pi K(\tau - t - h) B z_0(t) dt - \int_0^{\tau} w(\tau - t) dt,$$

бўлсин, бунда $w(t) \in \hat{w}(M(t), t),\ 0 \le t \le \tau,\ \ \eta[\tau, z_0(\cdot)]$ вектор-функцияни қуйидагича аниқлаймиз

$$\eta[\tau, z_0(\cdot)] = \begin{cases} \dfrac{\xi[\tau, z_0(\cdot)]}{\left|\xi[\tau, z_0(\cdot)]\right|}, & \text{агар } \xi[\tau, z_0(\cdot)] \ne 0, \\ \eta^0, & \text{агар } \xi[\tau, z_0(\cdot)] = 0, \end{cases}$$

бу ерда $\eta^0 \in L -$ бирлик вектор.

Агар қандайдир мусбат τ учун $\xi[\tau, z_0(\cdot)] = 0$ бўлса, у ҳолда қувиш масаласи τ моментда ҳал этилишини кўрсатиш қийин эмас. Шунинг учун, кейинчалик барча $\tau > 0$ учун $\xi[\tau, z_0(\cdot)] \ne 0$ деб фараз қилинади. Қуйидаги сонли функцияни аниқлаймиз:

$$\lambda(z_0(\cdot), \tau, t, v) = \begin{cases} \sup\{\lambda \ge 0 : \lambda \eta[\tau, z_0(\cdot)] \in [M(\tau - t) + \pi K(\tau - t) CP] - \\ - F(\tau - t) \pi K(\tau - t) Dv - w(\tau - t)\}, & \text{àãàð } \xi[\tau, z_0(\cdot)] \ne 0, \\ \tau^{-1}, & \text{àãàð } \xi[\tau, z_0(\cdot)] = 0. \end{cases}$$

Қуйидаги $\lambda(z_0(\cdot), \tau, t) = \inf\{\lambda(z_0(\cdot), \tau, t, v) : v \in Q\}$ белгилашни киритамиз.

2-фараз. $z_0(\cdot) \in X$ *бошланғич ҳолат учун шундай* $\tau_1(z_0(\cdot)) > 0$ *сон мавжудки,* $|\xi[\tau_1, z_0(\cdot)]| \le \int_0^{\tau_1} \lambda(z_0(\cdot), \tau_1, t) dt$ *тенгсизлик бажарилади.*

Теорема 1. *Агар 1, 2 фаразларнинг шартлари бажарилса, у ҳолда (2) чегараланишли (1) ўйинда* $T = \tau_1(z_0(\cdot))$ *чекли вақтда* $z_0(\cdot) \in X$ *бошланғич ҳолатдан қувишни тугаллаш мумкин.*

3-фараз. $F(t), t \in [0,\tau]$ *матрица, қандайдир* $\delta \in [0,1)$ *ўзгармас,* $\beta \in L$ *вектор,*

$$\int_0^{\tau} M(t)dt \subset \delta M_1 \qquad (6)$$

шартни қаноатлантирувчи иҳтиёрий ўлчовли ёпиққийматли кўп қийматли $M(t), 0 \le t \le \tau$, *акслантириш мавжудки, барча* $t \in [0,\tau]$ *лар учун* $\hat{w}(M(t),t)$, *тўплам бўш эмас.*

$\lambda(z_0(\cdot),\tau,\beta,t,v)$ сонли функцияни аниқлаймиз:

$$\lambda(z_0(\cdot),\tau,\beta,t,v) = \begin{cases} \sup\{\lambda \ge 0 : \lambda\xi\left[\tau,\beta,z_0(\cdot)\right] \in \left[M(\tau-t) + \pi K(\tau-t)CP\right] - \\ -F(\tau-t)\pi K(\tau-t)Dv - w(\tau-t)\}, & \text{àãàð } \xi[\tau,\beta,z_0(\cdot)] \ne 0, \\ \tau^{-1}, & \text{àãàð } \xi[\tau,\beta,z_0(\cdot)] = 0. \end{cases}$$

Қуйидаги $\lambda(z_0(\cdot),\tau,\beta,t) = \inf\{\lambda(z_0(\cdot),\tau,\beta,t,v) : v \in Q\}$ белгилашни киритамиз.

4-фараз. *а)* $z_0(\cdot) \in X$ *бошланғич ҳолат учун шундай* $\tau_2(z_0(\cdot)) > 0$ *сон мавжудки,* $1 \le \int_0^{\tau_2} \lambda(z_0(\cdot),\tau_2,\beta,t,)dt$ *тенгсизлик ўринли бўлади; б) қочувчи ўйинчининг жоиз* $v = v(t),\ 0 \le t \le \tau_2$, *бошқаруви учун қуйидаги*

$$\int_0^{\tau_2} [E - F(\tau_2 - t)]\pi K(\tau_2 - t)Dv(t)dt \in \beta + (1-\delta)M_1,$$

тегишлилик ўринли бўлади.

Теорема 2. *Агар 3,4 фаразларларнинг шартлари бажарилса, у ҳолда (1), (2) ўйинда* $T = \tau_2(z_0(\cdot))$ *чекли вақтда* $z_0(\cdot) \in X$ *бошланғич ҳолатдан қувишни тугаллаш мумкин.*

Параграф охирида олинган натижалар аниқ мисолга тадбиқ этилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида биринчи ва учинчи усулларнинг модификацияси ёрдамида кечикишли чизиқли ўйин ўйинчиларининг бошқарувларига интеграл чегара қўйилган ҳолда қувиш масаласи ечилган. Чекли вақт оралиғида берилган бошланғич холатдан қувишни тугаллаш мумкинлигини кафолатловчи қатор теоремалар келтирилиб исбот қилинган.

(1) чизиқли дифференциал ўйинни қуйидаги интеграл чеклашлар қўйилган ҳолда қараймиз:

$$\|u(\cdot)\|_{L_2[0,\infty)} \le \rho, \quad \|v(\cdot)\|_{L_2[0,\infty)} \le \sigma, \qquad (7)$$

бунда ρ ва σ – манфиймас ўзгармаслар. Терминал M тўплам биринчи параграфдаги каби кўринишда бўлади.

2-таъриф. *Айтамизки, (1), (5) ўйинда* $z_0(\cdot) \in X$ *бошланғич ҳолатдан* $T = T(z_0(\cdot)) > 0$, *вақтда қувишни тугаллаш мумкин дейилади, агарда* $u = u(t,v)$, $0 \le t < +\infty$, $v \in R^q$, $u(t,v) \in R^p$, *функция мавжуд бўлиб,* $\|v(\cdot)\|_{L_2[0,+\infty)} \le \sigma$, *шартни қаноатлантирувчи квадрати билан жамланувчи иҳтиёрий* $v(t), 0 \le t < +\infty, v(t) \in R^q$, *функ-*

ция учун $u = u(t, v(t)), 0 \le t < +\infty$, *функция* $\|u(\cdot)\|_{L_2[0,+\infty)} \le \rho$ *шартни қаноатлантирувчи квадрати билан жамланувчи функция бўлса ва (1) системанинг (3) болангич шарт остидаги* $z(t), 0 \le t < +\infty$, *ечими* t *вақтнинг* $T(z_0(\cdot))$ *моментигача* M *тўпламга келиб тушса: яъни қандайдир* $t = t^* \in [0, T(z_0(\cdot))]$ *вақтда* $z(t^*) \in M$ *тегишлилик ўринли бўлса. Бунда қувловчи: ҳар бир* $t \ge 0$ *вақт моментида* $z(s)$ *ечимни* $t - h \le s \le t$, *кесмада ва ҳар бир* $t \ge 0$ *да* $v(t)$ *бошқарувни билади деб фараз қилинади.*

Айтайлик $\alpha \in [0, \rho / \sigma)$,– ихтиёрий ўзгармас, $\mu(t)$, $0 \le t \le \tau$,

$$\int_0^\tau \mu^2(\tau - t)dt \le (\rho - \alpha\sigma)^2 \tag{8}$$

шартни қаноатлантирувчи квадрати билан жамланувчи манфий бўлмаган скаляр функция бўлсин. Айтайлик $M_2(\tau) - L$ қисм фазонинг қуйидаги кўринишда аниқланган қаварик компакт қисм тўплами бўлсин

$$M_2(\tau) = M_1 \stackrel{*}{-} \bigcup_{\|v(\cdot)\|_{L_2} \le \sigma} \int_0^\tau [E - F(\tau - t)]\pi K(\tau - t)Dv(t)dt. \tag{9}$$

Айтайлик $M(t) \subset L$, $0 \le t \le \tau_2$,

$$\int_0^\tau M(t)dt \subset M_2(\tau) \tag{10}$$

шартни қаноатлантирувчи ихтиёрий ўлчовли ёпиққийматли кўпқийматли акслантириш бўлсин ((9) га қаранг). Қуйидаги тўпламни киритамиз

$$\hat{w}(M(t), t) = \bigcap_{v \in R^q} \{\left[M(\tau - t) + \pi K(\tau - t)CS_{\alpha|v| + \mu(\tau - t)}\right] - F(\tau - t)\pi K(\tau - t)Dv\},$$

бунда S_Δ – маркази 0 да бўлган p ўлчовли Δ радиусли ёпиқ шар.

5-фараз. *Шундай* $F(t), t \in [0, \tau]$, *матрица, ўзгармас* $\alpha \in [0, \rho / \sigma)$, $\mu(t)$, $0 \le t \le \tau$, *функция ва* $M(t), 0 \le t \le \tau$, *кўп қийматли акслантириш мавжудки, барча* $t \in [0, \tau]$ *лар учун* $M_2(\tau)$, $\hat{w}(M(t), t)$ *тўпламлар бўш эмас.*

Қандайдир $z_0(\cdot) \in X$ бошланғич ҳолатни фиксирлаймиз. Сўнгра, қуйидаги вектор - функцияни киритамиз

$$\xi[\tau, z_0(\cdot)] = \pi K(\tau)z_0(0) + \int_{-h}^0 \pi K(\tau - t - h)Bz_0(t)dt - f(t),\ f(\tau) \in W(\tau).$$

5-Фаразга асосан шундай жамланувчи функция $w(t) \in \hat{w}(M(t), t)$, $t \in [0, \tau]$, мавжудки, қуйидаги $f(\tau) = \int_0^\tau w(\tau - t)dt$ тенглик ўринли бўлади. У ҳолда вектор-функция $\xi[\tau, z_0(\cdot)] = \pi K(\tau)z_0(0) + \int_{-h}^0 \pi K(\tau - t - h)Bz_0(t)dt - \int_0^\tau w(\tau - t)dt$, кўринишга эга бўлади. $\lambda(z_0(\cdot), \tau, t, v)$ сонли функцияни қуйидагича аниқлаймиз:

$$\lambda(z_0(\cdot),t,\tau,v)=\begin{cases}\sup\{\lambda\geq 0:\lambda\eta[\tau,z_0(\cdot)]\in[M(\tau-t)+\pi K(\tau-t)CS_{\alpha|v|+\mu(\tau-t)}]-\\ -F(\tau-t)\pi K(\tau-t)Dv-w(\tau-t)\}, & \text{àãàð } \xi\left[\tau,z_0(\cdot)\right]\neq 0,\\ \tau^{-1}, & \text{àãàð } \xi\left[\tau,z_0(\cdot)\right]=0.\end{cases}$$

6-фараз. $z_0(\cdot)\in X$ *бошланғич ҳолат учун шундай* $\tau_1(z_0(\cdot))>0$ *сон мавжуд-ки,* $\left|\xi[\tau_1,z_0(\cdot)]\right|\leq\inf\left\{\int\limits_0^{\tau_1}\lambda(z_0(\cdot),t,\tau_1,v(t))dt:\mathrm{P}v(\cdot)\mathrm{P}_{L_2[0,\tau_1]}\leq\sigma\right\}$ *тенгсизлик бажарилади.*

Теорема 3. *Агар 5,6, фаразларнинг шартлари бажарилса, у ҳолда (1),(7), ўйинда* $T=\tau_1(z_0(\cdot))$ *вақтда* $z_0(\cdot)\in X$ *бошланғич ҳолатдан қувишни тугаллаш мумкин.*

Биринчи бобнинг учинчи параграфи ўйинчиларининг бошқарувларига турли чегаралар қўйилган ҳолда дифференциал ўйиннинг қувиш масаласини ечишга бағишланган бўлиб, қувиш масаласини биринчи ва учинчи ечиш усулларини турли модификациялари баён этилган, ўйинни тугашлаш мумкин бўлиши учун янги етарли шартлар келтирилган.

Мазкур параграфда кейинчалик қувувчининг $u(t),\ 0\leq t<\infty,$ бошқарувини қуриш учун М. С.Никольский ишидаги ғоядан фойдаланилган. У ерда биринчи бўлиб v бошқарувни ҳар бир $t\geq 0$ вақтдаги $v(t)$ қийматини иккита $v_1(t),$ $v_2(t),\ t\geq 0,$ ўлчовли функцияларнинг йиғиндиси кўринишида ифодалаш таклиф қилинган. $v(\cdot)$ бошқарувни бундай кўринишда ифодаланиши қўйилган масалани ечиш учун M_1 тўпламдан қўшимча фойдаланиш имконини беради.

Энди ўйинчиларнинг $u(\cdot),\ v(\cdot)$ бошқарувларига қуйидаги чегараланишлар қўйилган

$$u(t)\in P,\ \ \mathrm{P}v(\cdot)\mathrm{P}_{L_{2[0,+\infty)}}\leq\sigma, \qquad (11)$$

$$\mathrm{P}u(\cdot)\mathrm{P}_{L_2[0,+\infty)}\leq\rho,\ \ v(t)\in Q, \qquad (12)$$

(1) дифференциал ўйинни қараймиз, бу ерда P ва Q тўпламлар мос равишда R^p, R^q фазоларнинг бўш бўлмаган компакт, қисм тўплам остилари, ρ ва $\sigma-$ манфий бўлмаган ўзгармаслар. Терминал M тўплам биринчи параграфдаги каби кўринишда бўлади.

3-таъриф. *Айтамизки, (1),(11) (ёки (1),(12)) ўйинда* $\tau=\tau(z_0(\cdot))>0$ *вақтда* $z_0(\cdot)\in X$ *бошланғич ҳолатдан қувишни тугаллаш мумкин дейилади, агарда, қочувчининг иҳтиёрий* $v(t),0\leq t\leq\tau,$ *жоиз бошқаруви учун қувувчининг шундай* $u=u(t,v(s)),0\leq s\leq t,$ *бошқаруви мавжуд бўлсаки, (1) системанинг (3) боланғич шарт остидаги* $z(t),\,0\leq t\leq\tau,$ *ечими қандайдир* $t=t^*\in[0,\tau]$ *вақтда* M *тўпламга келиб тушса.*

$\alpha(t),\,t\in[0,\tau],-$ орқали иҳтиёрий манфий бўлмаган ўлчовли функцияни белгилаймиз. $v(t),0\leq t<+\infty,-$ қочувчининг жоиз бошқаруви бўлсин. $[0,\tau]$ кесмада $v(t)$ бошқарувни $v(t)=v_1(t)+v_2(t),$ кўринишда ифодалаймиз, бу ерда

$v_1(t),\, v_2(t)$ функциялар қуйидаги кўринишда аниқлнади:

$$v_1(t)=\begin{cases} v(t), & \text{агар } \left|v(t)\right| \le \alpha(t), \\ \alpha(t)\dfrac{v(t)}{|v(t)|}, & \text{агар } \left|v(t)\right| > \alpha(t), \end{cases} \qquad v_2(t)=\begin{cases} 0, & \text{агар } \left|v(t)\right| \le \alpha(t), \\ \left[1-\dfrac{\alpha(t)}{|v(t)|}\right]v(t), & \text{агар } \left|v(t)\right| > \alpha(t). \end{cases}$$

